

ТАЛОНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ХАМДА ТЕРГОВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мавлянова Муштарийбегим Рахимжон қизи
ИИБ Академияси 3 ўқув курси 317-гуруҳ курсанти

“Қонун бошқарувнинг асосий ва кўп қиррали воситасига айланиши зарур”, – деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев. – Бундай шароитда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари зиммасига катта масъулият юкланади. Уларнинг касб маҳорати ва ахлоқий сифатларига бўлган талаб кескин ошади. Шундан келиб чиққан ҳолда, суд, прокуратура, ички ишлар тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириб бориш зарур. Қонунда бу органларда кимнинг ишлашга ҳаққи бор, у қандай хусусиятларга эга бўлиши керак, унинг жавобгарлиги ва мансаб пиллапоясидан кўтарилиш шартлари ўз аксини топиши керак. Мазкур органларга қўли эгри, порахўр, виждонсиз кимсалар кириб қолишини бартараф этадиган тизимни қонун йўли билан белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир» [1].

Талончилик жиноятларни очиш ва тергов қилишда жиноят-процессуал воситалар билан қонунийликни таъминлаш, ушбу фаолиятни ташкил ташкил этиш мазмуни бир қанча атамалар мазмунидан ташкил топганлиги боис ушбу ҳуқуқий атамаларни алоҳида кўриб чиқиш орқали унинг мазмуни англаш имконияти туғилади.

Жиноят ҳақида хабар келиб тушганидан сўнг ички ишлар идоралари ходимлари уни очиш ва тергов қилиш фаолиятини олиб борадилар. Жиноятларни очиш деганда содир этилган жиноят ҳақида олинган хабарни текшириш бўйича кечиктириб бўлмас ва келгуси тергов ҳаракатларини амалга оширган ҳолда қандай жиноят содир этилганлиги, уни ким ёки кимлар содир этганлиги ва жиноят содир этилган муддатга ойдинлик киритиш бўйича қўлга киритилган ижобий натижалар тушунилади, яъни ушбу ҳолатлар тўла аниқланишини англаш лозим. Жиноятни тезда очиш – мазкур масалани ўта қисқа муддатда, яъни жиноят белгилари аниқлангандан ёки у тўғрисида хабар олинган вақтдан бошлаб дарҳол ёки ўн кунгача бўлган муддат ичида ҳал қилиш тушунилади.

Талончилик жиноятларни очиш жараёнида муҳим бўлган тергов ҳаракатларни ўтказишнинг бешта босқичини ажратиш мумкин.

1. Жиноятларни аниқлаш босқичи бу жиноят ҳақидаги дастлабки материалларни ўрганиш бу ўрганиш дарҳол ёки узоғи билан 10 кун ичида ўрганиб бу материалда жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини аниқлаш лозим. Агар мансабдорлик жиноятлари, мулкни ўзлаштириш каби жиноятларда бундай жиноят аломатлари аниқланиши билан дарҳол жиноят ишини қўзғатилади.

2. Жиноят ишини қўзғатиш босқичи.

3. Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш босқичи.

4. Гумон қилинувчини аниқлаш.

5. Шахсни ишда айбланувчи тариқаси иштирок этишга жалб қилиш.

Жиноятларни тергов қилишни ташкил этиш ва тергов қилишни ташкиллаштиришнинг самарадорлигини таъминлаш учун: тергов-тезкор гуруҳининг ҳодиса рўй берган жойга имкон бориша, тезкор етиб келиши, жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки тергов ишларини бошлаш тўғрисида тезкорлик билан қарор қабул қилиш, барча зарур куч ва воситаларни кечиктирмай ишга жалб этиш, ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларни танлаб олиш, тергов тадбирларининг, тезкорлиги, узлуксизлигига риоя қилиб, уларни барча тергов-тезкор гуруҳининг таркибидан фойдаланган ҳолда кенг миқёсда ўтказиш, ўта кам вақт сарфлаган ҳолда имкон бориша кўпроқ маълумот йиғиш ва уларни қайд этиш мақсадида техник воситаларни қўллаш, бирга иш юритаётган органларга тезкорлик билан маълумот узатиш, муайян маълумотдан хабардорларни тезда тадқиқ этиш учун мутахассис ва экспертлар ёрдамидан ҳар томонлама фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун қуйидагиларни бажариш лозим:

а) тергов-тезкор гуруҳининг ходиса содир бўлган жойга етиб келиши ва техник воситаларнинг излар ва бошқа далилий ашёлар билан ишлашга доимо тайёр бўлиб туришини таъминлаш;

б) исталган вақтда тергов-тезкор гуруҳи таркибига вазият тақозо этган мутахассисларни жалб қилиш имкониятини таъминлаш, мазкур мутахассислар тўғрисидаги маълумотлар ички ишларнинг навбатчи қисмида бўлишини таъминлаш;

в) ходисасодир бўлган жойга йўл олган тергов-тезкор гуруҳини тегишли вазиятлар учун мўлжалланган кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг намунавий дастурлари билан таъминлаш;

г) ходиса содир бўлган жойни тергов-тезкор гуруҳ етиб келгунига қадар қўриқлашнинг пухта ишлаб чиқилган чоралари тизими ишлашини таъминлаш.

Мазкур талабларнинг бажарилиши марказлаштирилган бошқарув томонидан ички ишлар органларининг кучи ва воситалари билан иштирок этаётган ИИБ ва бошқа органлар бўлинмалари ўзаро ҳаракатининг узлуксизлигини таъминлаш, шу билан бирга юзага келаётган вазиятга мувофиқ равишда ҳаракатланиш имконини берадиган чоралар қўллаш орқали таъминланади. Жиноятларни очиш ва тергов қилиш фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш ҳақида тўхталишдан аввал қонунийлик ҳақида қисқача фикр юритиш лозим.

«Қонунийлик» тушунчаси ҳуқуқий воқелик, ҳуқуқий нормалар қандай бажарилаётганлиги, ҳуқуқий тузилманинг сиёсий асослари бошқа ижтимоий-сиёсий институтлар билан боғлиқ равишда қандай аҳволда эканлиги кабилар ҳақида тасаввур беради. Ушбу тушунча учта қонидани, яъни фуқароларнинг қонун талабларини албатта бажариши, жамиятда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг қонуний тартиби ва қонунийлик назариясини қамраб олади. Қонунийлик назарияси, биринчи навбатда, ҳуқуқий онгда шаклланади ҳамда ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ҳаракатларининг қонунга мувофиқ бўлишини таъминлашга қаратилган.

Жиноят-процессуал муносабатларда иштирок этувчи прокурор, терговчи, суриштирувчи, химоячи ҳамда жиноят ишининг бошқа иштирокчилари юқорида келтирилган қонунийлик талабларига риоя этишлари керак. Акс ҳолда ғайриқонуний ҳаракатларнинг содир этилиши қонунийлик принципининг бузилиши деб топилди ва айрим ҳолларда эса ҳатто юридик жавобгарлик келиб чиқишига олиб келади. Бундай ҳаракатни содир этган шахс тегишли жавобгарликка тортилиши лозим.

Тергов органлари ўз фаолиятида қонунийликни мустақамлаш ҳамда жиноят ва жиноят-процессуал қонунларининг талабларига тўлиқ риоя этиш талаб этилади.

Процессда иштирок этувчи шахсларнинг зиммасига юклатилган ҳуқуқий мажбуриятлар қонун талабларига мувофиқ бажарилиши керак ва иштирокчилар ўз процессуал ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишга ҳақлидирлар. Агар жиноят процесси иштирокчиларидан бири процессуал мажбуриятларини бажармаса, бу шахс қонунийлик принципини бузган ҳисобланади ва унга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин. Қонун талабларига тўлиқ риоя этилиши жиноят процесси иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари бажарилишига асосий кафолатдир.

Терговчи дастлабки терговни амалга ошириш чоғида жиноят процессининг иштирокчилари билан ҳуқуқий муносабатга киришади. Тергов давомида терговчининг ўз бошлиғи билан муносабатлари маъмурий эмас, балки процессуал хусусиятга эга бўлади.

Терговчи жиноят ишининг ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириш учун зарур деб ҳисоблаган қонунда назарда тутилган ҳар қандай тергов ҳаракатини амалга оширишга ҳақлидир.

Терговчи жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш, гумон қилинувчини ушлаш, эҳтиёт чорасини танлаш (қамокқа олишдан ташқари), жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш, экспертиза тайинлаш ҳақидаги ва бошқа қарорларни мустақил қабул қилади. Терговчи терговни режалаштириш, тергов ҳаракатлари ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, тўпланган далилларни баҳолаш, жиноят иши бўйича қарорлар чиқариш ишларини мустақил амалга оширади.

Прокурорнинг дастлабки терговни назорат қилиши терговчини мустақилликдан маҳрум қилмайди ва обрўсини туширмайди, балки, аксинча, терговчининг барча ҳаракатлари қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинишини, айти пайда, терговни амалга ошириш чоғида қонунийликка риоя этилишини таъминлайди.

Терговчи ўз қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлиги учун тўла жавобгар бўлади. Прокурор, ўз навбатида, терговчининг жиноятларни тергов қилишнинг қонунда белгиланган тартибига оғишмай амал қилишини кузатиб туриши ва бу билан ҳар бир иш ҳолатларининг ҳар томонлама тўла, ва ҳолисона текширилишини таъминлаши шарт.

Ички ишлар органлари ва уларнинг таркибий қисми бўлган тергов идораларининг бу йўналишдаги мақсад ва вазифалари амалдаги қонун ҳужжатларида таърифланган ва мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра дастлабки тергов фаолиятини амалга ошириш фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини турли шакллардаги мулкни жинойи ва бошқа тажовузлардан ҳимоя қилиш тергов органларининг асосий мақсади ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган суд ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мазмуни замон талабларига жавоб берадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари олий даражада қафолатланадиган қонунчилик тизими ва уни амалга ошириш механизмини тўлиқ шакллантириш ва жорий этишдан иборат. Ушбу мақсадларга эришиш айниқса жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этган шахсларни ўз вақтида аниқлаб, уларга тегишли жазо тайинлаш, жиноятдан жабрланган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, шунингдек ушбу жараёнлар давомида қонунийлик таъминланиши жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада президентимиз Ш.М. Мирзиёев шундай дейди: “Энг аввало қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб, бартараф этиш, қонунларимизнинг мукамал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур. Шу билан бирга, қонунчилик ва меъёрий асосларни шакллантириш жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юриши керак” [1].

Талончилик жиноятларни очиш ва тергов қилишда жиноят-процессуал воситалар билан қонунийликни таъминлашни ташкил этишнинг бугунги ҳолати ҳақида тўхталишдан аввал тергов органларида қонунийликка амал қилинишининг мазмуни ва умумий ҳолатига тўхталиш жоиз. Тергов органларининг фаолиятида уларнинг мақсадлари, улар билан боғлиқ вазифалар ва функциялар бошқарув ва ташкилий жараёнлар орқали амалга оширилади.

Жиноятларни очиш ва тергов қилишда жиноят-процессуал воситалар билан қонунийликни таъминлашни ташкил этишнинг бугунги ҳолати ҳақида тўхталадиган бўлсак, аввало Ички ишлар органлари тергов органлари тизимида қонунийликка риоя этилиши ҳолатига баҳо бериш мақсадга мувофиқ. Умуман олганда бугун дастлабки тергов органлари томонидан жиноятларни очиш ва тергов қилиш фаолияти давомида қонунийликка амал қилиш ҳолатини қониқарли дейиш мумкин. Аммо терговчилар томонидан айрим ҳолатларда жиноят иши бўйича манфаатдор томонларга ғаразли мақсадларда муносабатда бўлалаётганлиги ҳолатлари ҳали ҳам учраб турибди. Буни тегишли статистик маълумотлардан ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, судлар томонидан собиқ ички ишлар идоралари ходимларига нисбатан чиқарилган ҳукмларни эълон қилиш ҳақидаги ИИВнинг тегишли буйруқларида терговчи сифатида ишлаб турган ва муааян ҳаракатлари билан қонунчиликни бузганлиги учун жинойи жавобгарликка тортилган собиқ ходимларнинг қилмишлари аянчли ҳолат сифатида баён этилган. Ушбу ходимларнинг шахсига оид маълумотларга тўхталмасдан бу каби қонунни бузиш ҳаракатларини содир этиш сабаб ва шарт-шароитларига эътибор қаратиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Кузатувлар асосида бу каби қонунни бузиш ҳолатлари терговчилар томонидан асосан ўз юритувидаги ёки бошқа терговчининг юритувидаги жиноят иши бўйича пул эвазига тегишли шахснинг фойдасига айрим ҳаракатларни бажаришни ваъда қилиб, пора олиш ёки бунда воситачилик қилиш ҳаракатларида ифодаланиши аниқланди. Умуман ички ишлар идоралари тизимида ишлайдиган бошқа соҳавий хизмат ходимлари фаолияти билан солиштирганда бошқа турдаги қонун бузилиш ҳолатлари тергов тизимида камдан кам учраши маълум бўлди [3]. Тергов тизимида хизмат олиб бораётган ходимлар томонидан бу каби ноҳуя қилмишлар содир этилиши бир неча сабалар билан боғлиқ. Жумладан, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўлиқ ва ўз вақтида олиб бориш муайян процессуал чиқимлар билан боғлиқ эканлиги ва кўпинча бу каби чиқимларни терговчилар ўз ёнидан қоплаб келаётганлиги; айрим терговчиларнинг ўз нафсини тия олмаслиги ёки кўнгилчанлиги, яъни қонун устуворлигига амал қилишда ҳамиша ҳам қатъиятчилик кўрсата олмаслиги; тергов бўлимининг ташкилий ва бошқарув фаолиятидаги муаммолар; тегишли раҳбарларнинг ноқонуний талаблари, муайян терговчининг шахсий ва оилавий муаммолари мавжудлиги кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Қайд этилганлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда жиноятларни очиш ва тергов қилишда жиноят-процессуал воситалар билан қонунийликни таъминлашни ташкил этишда аввало тергов бўлими бошлиғи қўл остидаги ходимларига ўрناк бўлиши, шундан сўнг хизмат вазифасига оид талабаларни бажариш ҳақида кўрсатмалар бериши лозим. Бунинг учун эса ҳар бир раҳбар ватанпарвар, диёнатли, фидойи, кенг дунёқарашга эга, тинчликпарвар ва маънавиятли бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. ЎЗИИВнинг 2012.21.01 даги 13-сонли буйруғи.